

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 1 июн пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 104 (2401)


## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Республика Бош вазирининг ўринбосари В.Отаев бошқарган мазкур йиғилишда мамлакатимиз автомобиль йўлларида 2000 йилнинг ўтган даври мобайнида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили ва уларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи муҳокама этилди. Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси ва "Ўздавқурилишматериаллари" компанияси томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда транспорт воситаларининг техник ҳолатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Йиғилишда, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг шахсий транспорт воситаларини сақлаш жойларини ташкил этиш борасидаги фаолияти ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид масала ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг шу ишга мутасадди раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА)**

## Она юрт бўйлаб...

*Хушхабар*

### ШАРТНОМА РЕЖАСИ УДДАЛАНДИ

Наманган вилояти пиллакорлари қайта ишлаш корхоналарига 2018 тонна юқори сифатли саноат хомашёси етказиб бериб, йиллик шартнома режасини уддаладилар. Эришилган ютуққа Мингбулоқ, Наманган, Тўрақўрғон, Чортоқ туманлари «кумуш тола» ижодкорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу туманларда оилавий пудрат аъзолари ҳар қути қурт уруғидан 70-80 килограммдан ҳосил йиғиштириб олдилар.

Пилла терими давом этмоқда. Пировард мақсад – ялпи ҳосилни 2300 тоннага етказишдир.

*«Ғалла — 200»*

### ҒОЛИБЛАРГА — «ТИКО», ТЕЛЕВИЗОР

Сурхондарёнинг жанубий туманларида ўрим қизғин бормоқда. Жарқўрғондаги «Халқобод» жамоа хўжалигида давлатга ғалла топшириш йиллик режаси тўрт иш кунида бажарилди. 6 та «Кейс» русумли ўрим комбайнлари зафарни таъминлади. Тадбиркор деҳқонлар мамлакат омборига 1400 тонна сара дон топширишди. Улар яна 100 тонна дон топширишмоқчи. Ғолиб «Халқобод» жамоа хўжалиги туман ҳокимлигининг «Тико» енгил автомашинаси ва вилоят ҳокимлигининг рангли телевизори билан мукофотланди.

*Камолот*

### ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР — ЁШЛАРГА

Навоий вилоятида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини тарбиялаш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ёшларга оид қонунлар тарғиботи, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар ва диний тарбия мавзуларида маърузалар тингланди. Профессор С.Иноятовнинг «Ёшларнинг маънавиятини шакллантиришда устозлар ва раҳбарларнинг масъулияти» мавзуидаги маърузаси анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

*Тараққиёт*

### ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Айрим мактабларда дарсликлар ва бадиий китоблар етишмаслик ҳолларига ҳамон дуч келинаяпти. Бу эса ўз-ўзидан таълим-тарбия жараёнининг яхшиланишига путур етказаяпти. Самарқанд вилоят ҳокимлиги ана шу муаммоларни жамоатчилик йўли билан ҳал этиш ташаббуси билан чиқди. Идора хизматчилари, корхона, ташкилотларнинг ходимлари ортиқча дарсликлар, бадиий асарларни бир жойга тўплашга киришишди. Қисқа вақтда 317 минг донадан ортиқ, жумладан, 139 мингга яқин дарслик китоби йиғилди. Улар вилоят халқ таълими бошқармасига совға қилинди. Дарсликлар заруратига қараб мактабларга тақсимланди. Бу эзгу ташаббус бугунги кунда янада кенг қулоч ёймоқда.

*Кўргазма*

### МИСР — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Миср Араб Республикасида шу яқин орада болалар чизган расмлар бўйича халқаро кўргазма очилади. Бу нуфузли экспозициядан ўзбекистонлик иқтидорли ўғил-қизлар чизган расмлар ҳам муносиб ўрин оладиган бўлди.

Ана шу маданий тадбир олдидан Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Тошкентдаги «Фан ва таълим» маркази Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда «Миср — болалар нигоҳида» мавзуида расмлар кўргазмасини ташкил этди. Унда 200 та ижод намунаси намойиш қилинди. Шулардан 50 таси энг яхши расмлар деб топилиб, Мисрга юборилади.

Республика тасвирий ва амалий санъат лицейлари ўқувчилари чизган расмлар кўргазмада кўпчиликни ташкил қилади. Тошкентдаги Республика тасвирий ва амалий санъат лицейининг ижодкор ўқувчиси Ойбек Исломов ишлаган расм эса энг яхши ижод намунаси деб баҳоланди.

**«Халқ сўзи» ва «Туркистон пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

**Мустақиллик ҳазрати олийларининг умумхонадонимизга ташриф буюрганига ҳадемай тўққиз йил бўлади.**

**Тўққиз йил тўлади бошимизга эрк офтоби тушганига-ю, кўксимизга ҳуррият шабадаси текканига!**

**Ва яна Ўзбекистон деб аталмиш мамлакатнинг овозаси оламни тутганига ва тутаётганига!**

**Шу давр оралиғида ўзбек ўзлигини таниди, ўзлигини танитди жумлаи жаҳонга. Нафақат хорижлик, ҳатто ўзимиз ҳам бир ой илгари ўтган кўчаларимизни бугун танимай қолаяпмиз – сарвқомат иншоотлар, кўркам турар-жойлар, маҳобатли ишлаб чиқариш корхоналари, кўзимизни яшнатмоқда.**

**Тафаккуримиздаги тозаланиш-чи? Шу юрт ва шу халқ фарзанди эканлигимиздан ифтихорланиш туйғусини айтмайсизми?**

**Хуллас, 9 йиллик кечинмалар бисёр. Ана шу кечинмаларнинг ўзагида эса Ватан ва Истиқлол туйғуси туради.**




## ҚОРАЧИҚ

Ватанни севмоқ иймондандур.

Бу Ҳадиси шарифни ҳис этмоқ учун бир умр камлик қилади. Бу Каломи шарифни ҳис этмоқ учун бир сония етарлидир.

Зеро, ҳар бир даврда, бу чархи дуннинг ҳар бир бўлагида инсон тафаккурини шуълалантириб турадиган, уни эзгулик қалъаси сари чорловчи ва илҳомлантирувчи муқаддас недир бор эди!

У ҳозир ҳам мавжуд!

Ундан мозий садоси, давр нафаси ва саодатбахш келажак шаббодаси эсиб, эшитилиб туради. Унинг ибтидосидан интиҳосига довур, биз дастлаб лутф этган сўз – Ватанни севмоқ тушунчаси қизил ип бўлиб ўтганки, такрор-такрор мутолаа қилганинг сайин нурли истиқбол сенга жамол кўрсатаверади, юз очаверади.

Дарвоқе, Ватанни мутолаа қилиб бўладими?

Ҳа! Фақат у кўнгилда жойлашган бўлса, иймон деб аталувчи мўъжизавий қудратга эга бўлса!

Ўзбекларда туғилган тупроқ, киндик қони тўкилган жой, қолаверса, «Ўз уйим, ўлан тўшагим» деган тушунча-ю, нақллар бор. Биз қаерда бўлмайлик, қайси мартабаю мансабда ўтирмайлик, қандайдир илоҳий қудрат бизни ҳар доим ўша юртга чорлаб тураверади.

Ўзбекистон – бизнинг туғилган ва камолга етган уйимиз. Зеро, ана шу хонадоннинг равнақи ва осойишталиги учун интилиш, кураш Ватанга фидойилик мезонини белгилаб беради. Минг йиллик жангу жадалларнинг, жон олиб жон беришларнинг барча сабаб ва оқибатлари ана шу тушунчага келиб туташади. Ва беихтиёр лабларимиз пичирлайди:

Ватанни севмоқ-иймондандур.

Мамлакатимиз Президенти ҳам бу каломни ўз чиқишларида тез-тез тилга оладилар. Ва Ватан учун фидойилик зарурлигини бот-бот такрорлайди. Ўзбекистон Олий Мажлисининг сессияларидан бирида у мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболлари ҳақида гапирар экан, бу омилларнинг рўёбга чиқиши маънавий юксаклик, ватанпарварлик, ростгўйлик, халқсеварлик каби фазилатлар билан омухталигини айтди ва «Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Манфаатпарастлик йўлида қилинган ҳар бир қинғир иш, қанчалик баландпарвоз таъриф-тавсифларга ўралмасин, фатволар тўқиб чиқарилмасин, барибир ватанга хиёнатдир», деди.

Ватанга фидойилик билан бир вақтда Ватанга хиёнат ҳам барча замонларда бўлиб келган. Юртбошимиз тўғри таъкидлаганидек,хиёнат қинғир ишдан бошланади. Хиёнаткор, энг аввало, халқумини булғайди, кейин дўстини сотади. Сўнгра устозининг юзига оёқ қўяди, бора-бора фарзандини, хотинини... ва ниҳоят, муқаддас каъбага – Ватанга хиёнат қилади. Алҳазар, алҳазар...

Аслида хиёнат жоҳилликдан келиб чиқади. Маърифатли киши эса диёнатли бўлади. Бугунги мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги ҳам маърифатли кишилар, илмли ёшлар қўлида. Шу туфайли юртимизни фидойи кишилар масканига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айлантиришимиз зарур. Токи ота-боболаримизга, маърифат маскани бўлган улуғ Шарққа муносиб соҳиби илм бўлайлик. Маълумки, инсонпарварлик ғоялари билан озиқланган Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотлар асос ва тариқатларининг ватани ҳам Туркистон заминидир.

Ватанни севмоқ иймондандур.

Биз бу Ҳадиси шарифни ҳис этмоқ учун бир умр ҳам камлик қилади дедик ва пировардида айтдикки, уни англамоқ учун бир сония етарлидир.

Ўзбек халқида бир мақол бор: «Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи», буни шу маънода тушунмоқ лозимки, ватанни севмоқ учун бошга минг бир тўқмоқлар уриб, пешонани ғурра қилиш ва шу йўл билан ўзини фидойи қилиб кўрсатиш шарт эмас. Ватанни севиш, аввало, оилани ҳурмат қилиш, унинг шавкатини ошириш, ўз вазифасини сидқидилдан адо этиш, меҳр-мурувватли, маърифатли бўлиш демакдир.

Илгари ўз ўрнида қўним топмаганлар «партия топшириғи»га биноан Мурунтовда тилла ковларди, Қарағандада кўмир қазирди. Бу ҳамма жойда ватанпарварлик, адолатпарварлик, фуқаропарварлик ва яна қатор-қатор «парварлик»лар саналарди. Аслида эса буларнинг бари шахсий манфаатпарварликдан бошқа нарса эмас эди. Келажаги буюк мамлакат учун бундай ватанпарварликнинг заррача кераги йўқ. Халқ кимнинг кимлигини ўзи ажратиб олади, ўзи баҳо беради, ўзи шарафлайди ва керак бўлса ўзи лаънатлайди.

Мустақиллик бизга кўп нарса берди. Президентимиз ташаббуси билан «Хотира майдони», «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилдики, бу саъй-амаллар моҳиятида халқимизнинг асрлик орзу-армонлари, ният ва интилишлари, урф ва анъаналари мужассамдир.

Ватан ўз фарзандларини унутмайди!

Бу эски гап. Аммо донишмандларимиз айтганидек, ҳар бир юрак унга бўлган меҳру-муҳаббатини янгилаб боради. «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган гап ана шундай муносабатнинг ҳосиласидир, «Ватанни севмоқ-иймондандур» – деган Ҳадиси шарифга эгиз, эгизак тушунчадир. Халқимиздаги «кўз қорачиғидай асра» деган нақл аслида энг аввало, Ватанга нисбатан ишлатилган ва ишлатилиши керак. Ватан кўзларимизга нур бўлиб, ёғду бўлиб кирса, қабоқларимиз орасида қорачиқ янглиғ жойлашгандагина, уни қандай эъзозлаш ва асраш таълимини ўргана оламиз.

«Ватанни сев!» деб бировга буюртма бериб бўлмайди. Севма, дейиш эса гуноҳи азимдир. Иккита гап ортиқча, битта гап етишмайди. Демак, бир яримта гапни топмоқ лозим. Бир яримта гап эса кўнгилнинг туб-тубида ётибди. У юзага қалқиб чиқиши, томирларда қон бўлиб оқиши, нигоҳларимизда гуллаган ва муҳрланиб қолган озод юрт харитаси жаннатмонанд масканга айланиши учун илҳомлантириши, жисму жонимизга озуқа бериши керак. Токи юрагимизнинг ҳар бир уриши бизга ўша гапни эслатиб турсин!

**Эсиргап БОЛИЕВ.**

## БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

"Меҳрибонлик" уйининг тарбияланувчилари Наманган вилояти Давлатобод туманида очилган "Туркистон" савдо-ишлаб чиқариш мажмуининг биринчи меҳмони бўлди. Мажмуа таркибидаги шинам кафе-ошхона соҳиби Улуғбек Усмонов болалар учун тўкин дастурхон тузади. Шунингдек, уларга янги уст-бош ва оёқ кийимлари совға қилинди.

Савдо мажмуининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов иштирок этди. Улар савдо мажмуига йиғилган ўғил-қизларни яқинлашиб келаётган Болаларни ҳимоя қилиш куни билан қизғин табриклашди. "Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчиларига рангли телевизор совға қилинди.

## ҲАММАСИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН

Оҳангарон туманида тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Йил бошидан буён деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари 35 тага, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар сони эса элликтага ортди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муаммоларни тезда бартараф этиш учун туманда ҳар ойнинг биринчи ва тўртинчи шанбаси "Тадбиркорлар куни" деб эълон қилинди. Туман прокуратураси ва Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг туман бўлимига банк ва солиқ тизими ходимлари, ҳуқуқшунослар жалб этилмоқда. Натижада, тадбиркорлар фаолиятини яхшилаш, соҳадаги мавжуд сунъий тўсиқларни бартараф этиш осонлашмоқда. Деҳқон-фермерларга амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида, ойига бир марта семинар-кенгаш ўтказиш ҳам режалаштирилган.

**(ЎзА)**



## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

*Балиқчи туманида пахтани қайта ишлаш заводи ўрнида ихтисослашган «Интернейшл Ўзбекистон — Америка» қўшма корхонаси ташкил этилгач, корхонанинг иккинчи умри бошланди. Қисқа вақт ичида жамоада ишловчилар сони 700 кишидан 1200 нафарга етди. Ҳозир корхонада йилига 4500 тонна пахта хомашёси қайта ишланмоқда ва шу ернинг ўзида 3915 тонна калава ип олиниб, 7 миллион погон метр хом сурп матоси тайёрланаяпти. Энг муҳими, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўттиз фоизи чет элга сотилмоқда.*

*Ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилгани, уларнинг моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга доимий эътибор берилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.*



**СУРАТЛАРДА: ишчи Муқаддасхон Ҳожиматова ва ҳиндистонлик мутахассис Парвин Ревет; қўшма корхонанинг умумий кўриниши.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

***• РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, шу ҳафта бошида Россия Федерал кучлари томонидан 65 нафар чечен жангарилари ўлдирилиб, 10 га яқин террорчилар ҳарбий базаси тор-мор қилинган.***

***• Исроил тўрт йиллик синов муддати билан БМТнинг минтақавий гуруҳига аъзо бўлди. Шу вақтгача минтақавий гуруҳга аъзо бўлмагани учун бу мамлакат БМТ органлари, жумладан, Хавфсизлик Кенгаши фаолиятида иштирок эта олмай келаётган эди.***

***• Франция парламенти «Айбсизлик презумпцияси тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Жамоатчилик орасида ушбу ҳуқуқий ҳужжат матбуот эркинлигига путур етказади, деган фикрни пайдо қилган эди. Парламент вакиллари буни инкор этди. Уларнинг фикрича, янги қонун инсон ҳуқуқлари билан матбуот эркинлиги ўртасида уйғунлик яратади. Шундай эса-да, жамоатчилик орасида ҳамон баҳслар тингани йўқ.***

***• Бугун Берлинда АҚШ президенти Билл Клинтоннинг Исроил бош вазири Эҳуд Барак билан учрашуви бўлиб ўтади. Музокарада Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.***

***• НАТОга қўшилмоқчи бўлган ўн мамлакат ҳукумат раҳбарларининг 4 июн куни Братиславада ўтказилиши мўлжалланган учрашуви кечиктирилди. Словакия ташқи ишлар вазири Эдуард Куканнинг маълум қилишича, айрим давлатлар учрашувга тайёрлана олмаган.***

***• Ольстернинг Лондон томонидан тўғридан-тўғри бошқаруви тўхтатилди. Шимолий Ирландия ишлари бўйича вазир Питер Мендэлсон кўрсатмасига биноан, Ольстерда маҳаллий ҳокимият ва қонун чиқарувчи ассамблеянинг ваколатлари тикланган.***

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Яқин-яқинларда «телекоммуникация» тушунчасининг ўзи биз учун ғаройиб туюларди. Бугун эса телекоммуникация давлат ва жамият ҳаётига, ҳар бир хонадонга кенг кўламда кириб келмоқда. Аҳолининг унга эҳтиёжи тобора кучаймоқда. Сўнгги йилларда бу соҳада, айниқса, компьютер техникаси ва технологиясининг ўрни кенг қамровли аҳамият касб этаяпти. Телекоммуникация тўхтовсиз ривожланишда.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон шиддатли ривожланиш йўлига кирди. Шу боисдан мамлакатимизда телекоммуникация ривожига ҳам эътибор тобора кучайиб бораяпти. Жаҳоннинг энг илғор, энг нуфузли компаниялари ва фирмалари билан айни шу йўналишда ҳамкорлик кун сайин фаоллашмоқда.

Яқинда Тошкентда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Унда 25 мамлакатнинг 130 дан ортиқ фирма ва компаниялари қатнашди. Ўзбекистон телекоммуникацияси ана шу кўргазмада намойиш қилинган илғор янгиликларни ўз амалиётига жорий этадиган кунлар узоқ эмас. Шу билан бирга, худди шу кўргазма доирасида яқинда халқаро семинар ҳам ўтказилди.

Бу семинар тўғрисида алоҳида ҳикоя қилиш фойдадан ҳоли эмас. Сабаби — ушбу семинар республикамиз телекоммуникация соҳаси мутахассисларини шу йўналишдаги янги изланишлар, янги ғоялар, янги ишланмалар ва таклифлар тўғрисидаги энг сўнгги ахборотлар билан қуроллантирди. Бу эса Ватанимизни телекоммуникация соҳасида янги ривожланиш босқичларига ундайди. Биз билан суҳбатда «Хьюлетт- Паккард» компаниясининг Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатларидаги корпоратив буюртмачилари билан ишлаш бўйича менежери Дилшод Махсудхонов ана шундай фикрни билдирди.

Биз бу хорижий компанияни бежизга эсламадик. Сабаби — кўргазма доирасидаги халқаро семинар айнан шу компания мутахассисларининг ташаббуси билан уюштирилди ва уларнинг фаол иштирокида ўтди.

Бу қандай компания? Энг аввало, шу тўғрида қисқача маълумот бериб ўтайлик: ушбу компания 1939 йилда Билл Хьюлетт ва Дэвид Паккард томонидан Калифорнияда оддий алоқа генератори яратилган кундан ўз фаолиятини бошлади, деб айтсак бўлади. Ҳозирги кунда мазкур компания хусусий компьютерлар ва уларга серверларни етказиб бериш бўйича Оврўпода тўртинчи, жаҳон миқёсида эса олтинчи ўринни эгаллаб турибди. HP тармоқларини компьютерлаштириш соҳасида дунёда етакчи мавқеига эга. Худди шу йўналишда мукаммал тизимларни яратиш мақсадида янги, дадил изланишлар олиб борилмоқда. Оврўпода бу компаниянинг 17 та заводи, 15 та илмий-тадқиқот лабораториялари мавжуд. 1999 йилда унинг савдоси 42,4 миллиард АҚШ долларига етди. HP компьютер жиҳозлари 120 мамлакатнинг саноат, тадбиркорлик, фан ва техника, тиббиёт ва таълим соҳаларида қўлланилмоқда.

### Халқаро семинар

«Хьюлетт-Паккард» (HP) вакиллари ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган маърифий аҳамиятли семинарда ўзбекистонлик фирмалар ва ташкилотлар компаниянинг бир қатор сўнгги янгиликлари билан таништирилди. Масалан, UNIX-NT компьютер тизимлари базасида компания мутахассислари аппаратли платформалар яратишди. Жумладан, семинар иштирокчилари FC-10, FC-60, XP-256 русумли маълумотларни энг ишончли сақлаш мосламаларининг имкониятлари билан таништирилди.

Семинарда телекоммуникация тармоқлари мониторингини юксак даражада аниқлик билан ўтказишга имкон берувчи OVC/SA системаси, узатилган маълумотларни сифатли қайта ишлаш тизимлари, операторлар ўртасида ҳисоб-китоблар олиб боришни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар бўйича компания мутахассисларининг маълумотлари катта қизиқиш билан тингланди. Чунки худди шу масалалар ҳозирги кунда биздаги телекоммуникация тизими хизмати олдида ҳам бутун долзарблиги билан кўндаланг турибди.

Хуллас, Ўзбекистондаги телекоммуникация тизими хизмати билан шуғулланаётган фирмалар ва ташкилотларнинг семинарда қатнашган вакиллари унинг амалий-тарғиботчилик савиясидан мамнун бўлдилар. Семинарда таҳлил этилган янги ишланмаларнинг республика телекоммуникацияси амалиётига жорий этилиши унинг ишини янада юқори сифат даражасига кўтариши шак-шубҳасиздир.

**М. САФАРОВ.**

**Саид АҲМАД,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, ёзувчи**

# ТАҚДИР, ТАҚДИР, МУНЧА ШАФҚАТСИЗСАН?

**(«Кўз ёши томган ҳикоялар» туркумидан)**

Сталин ўлган, Берия отилган, маҳбусларга муносабат бир қадар юмшаган пайтлар. Август ойида лагеримизга республика ички ишлар вазирининг ўринбосари генерал Жақсилиқ Степанов келиб маҳбуслар билан суҳбатлашди. Қамоқ ичидаги қамоқ, яъни кечаси маҳбуслар устидан қулфлаб қўйилган бараклар деразаларидан темир панжаралар яқин кунларда олиб ташланишини айтди. У Қозоғистоннинг Россия билан чегарадош Павлодар вилоятида, Иртиш дарёси бўйларида катта бўлган, руслашиб кетган қозоқ оиласида туғилган эди. У етказган хушхабардан қувонган маҳбуслар қарсак чалиб, миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

— Яхши кунларни кутинглар. Ҳаммангизнинг тергов материалларингиз иттифоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиляпти. Улар биздан ҳар бирингиз тўғрингизда фикр сўрашади. Ҳозир юздан ортиқ одам сизларга характеристика ёзиш билан банд. Илтимос, тартиб-қоидани бузманглар. Ўзини яхши, интизомли тутганлар вақтлироқ эркинликка чиқадилар. Ҳар ким ўз мутахассислиги бўйича иш кўрсатиши керак.

Норқобил деган зек ўрнидан туриб қўлини кўтарди. У асли термизлик бўлиб, Амударё портида қайиқчи бўлиб ишлаган. Вазифаси кемада келган юкларнинг Афғонистонга тегишлисини қайиқда нариги қирғоққа ўтказиб топшириш. У ўн саккиз ёшида жосусликда айбланиб, ўн йил муддатга ҳукм қилинган. Яъни айби дарёнинг нарёғида афғон савдогаридан бир костюм билан туфли сотиб олгани. Чет эллик шубҳали одам билан алоқада бўлгансан, деб айбланган эди. Ҳозир у ўттиз етти ёшга кирган. Ҳамон муддат устига муддат олади. Ўн тўққиз йиллик қамоқ уни профессионал маҳбусга айлантирган. У жосус сўзига кўникиб кетган. Ўзини чинакам жосус бўлсам керак, деб ўйларди. Ва бунга ишонарди. Норқобил асосан лагер тарбиясини олган. У блатнойлар тилини мукаммал эгаллаган. Озодлик, эркинлик, деган сўзлар энди унинг учун ўз маъносини йўқотган эди. У бутунлай «лагер ўғли» бўлиб кетган.

— Гражданин генерал, сиз ҳозир, ҳар бирингиз ўз мутахассислигингизни ишга солиб хизмат қилинг, дедингиз. Менга топшириқ беринг, ўз мутахассислигим соҳасида ўзимни оқлай.

Генерал Степанов унинг сўзларини эшитиб қизиқиб сўради:

— Мутахассислигингиз қандай? Албатта фойдаланамиз.

— Шпионман, гражданин генерал. Топшириқ беринг, бажармасам гад буду.

Мингга яқин маҳбус қарсиллаб кулиб юборди. Генерал унинг чала-чулпа ўрисча гапларию сўкинишларидан завқланиб куларди.

— Нега куласизлар? Чего смеетесь гады, эх вы подонки.

Унинг блатной дўстлари эса:

— Во дает зараза, шуруй, шуруй натсмен, — дея уни рағбатлантиришар эди.

Генерал кетди. Зекларнинг кўнглида аллақандай эркинлик учқуни қолди.

Эллик учинчи йилнинг қиши жуда оғир келди. Ҳар куни шамол аралаш қор бўралайди. Ёнингда турган одамни ҳам кўролмайсан.

Бундай пайтларда соқчилар сони кўпайтирилади.

Қор тинган пайтларда туман босади. Лагер деворларидаги кучли прожекторлар зона ичини ёритиш у ёқда турсин, прожекторнинг ўзи қоғозга томган ёғдек аранг кўринади. Туманда адашиб қолган маҳбуслар йўл тополмай тиканли симлар билан тўсилган девор ёнига бориб қолишар, симга тегиб кетганда лагер бўйлаб тревога занги ўзидан ўзи чалиниб лагер бўйлаб узоқ вақт жаранглаб туради. Девор бурчидаги вишкада соқчилар автоматдан осмонга ўқ узадилар.

Маҳбуслар яшайдиган ўн бир баракдан то ошхонагача ўн битта трос темир арқон тортилади. Маҳбуслар ошхонага шу арқонни ушлаб борадилар. Агар арқондан қўллари чиқиб кетса, то туман тарқагунча йўл тополмай сарсон бўлиб юраверадилар. Маҳбуслар ўн бир баракдан тортилган арқонларни қуёш нурига ўхшатишарди. Баъзилар чумолилардек ўн бир жойдан ошхона томон ўрмалаётганларга қараб: бу ерда ҳамма йўллар коммунизмга олиб боради, деб пичинг қилишарди.

Туман чоғлари маҳбуслар қочмасди. Қочганларнинг қанча-қанчаси чўлда музлаб қашқиру шоқолларга ем бўлишган.

Файзсиз бундай қиш оқшомларида юраги шундоғам ғамга тўлган зеклар мурдадек қимирламай ўтиравердилар.

Ишга олиб чиқилган маҳбуслар то туман тарқамагунча олиб келинмасди. Кон олдидаги атрофи тиканли сим билан ўралган майдончада қорга кўмилиб, оч-наҳор ўтириб туман тарқашини кутардилар.

Зеклар яшайдиган бараклар қанчалик ёритилмасин, одамлар кўксини ёритолмасди. Улар негадир қўшни уйда ўлик ётгандек бир-бирлари билан шивирлаб гаплашишарди.

Узоқ йиллар қамоқларда яшаганлар бу ҳолга кўникиб кетишган эди. Айниқса ғарбий украиналиклар эркинликдан тамоман умидларини узган эдилар. Шу топда улардан бири нара (тўрт киши ётишига мўлжаллаган икки қаватли сўри) устида чалқанча ётганча шифтга тикилиб «Двлюь я на небо» деган украинларнинг энг севган ғамгин қўшиғини куйлаяпти. Бу қўшиқни тинглаган ҳар қандай тошюрак одам ҳам юм-юм ёш тўкарди.

Одамзод қизиқ бўларкан-да! Шундоқ азобли, аянчли дамларда ҳам бир-бирлари билан жиққамушт бўлардилар.

Баракдаги каттакон бак сувга тўлдириб қўйилади. Унинг пастидаги жўмракка банди занжирланган ва қулфланган кружка осиб қўйилган. Кўпинча мусулмон динидаги ўрта осиёликлар, кавказликлар, татарлар шу бак олдида чўккалаб таҳорат оладилар.

Бошқа диндагилар биз сув ичадиган идишни ҳаром қилдинг, деб тўполон қиладилар. Муштлашиш бошланди. Соқчилар баракка кириб қонга беланган жанжалкашларни ажратадилар. Бир, икки зекни ҳайдаб опчиқиб кетадилар.

Барак деразаларидаги панжараларни олиб ташлашга, баракни қулфламасликка сўз берган ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал ваъдасини бажармади. Маҳбуслар кечқурун баракка келишлари билан назоратчилар уларни санаб, устларидан қулфлаб қўйишади. Ҳамма ҳожат ишлари шу ернинг ўзида бўлади.

Мен ўша пайтда «Маданий тарбия» бўлимида рассом эдим. Вазифам қайси бригада қанча руда қазиганини саҳаргача катта-катта шчитларга ёзиб, зонанинг кўринарли жойига илиб қўйиш эди.

Совуқ шундоқ заптига олган декабр кечаси эди. Олтинчи баракда қий-чув бўлиб қолди. Маҳбусларнинг дод-войларини эшитиб, ўша томонга югурдим. Баракда ёнғин бўлаётган эди. Маҳбуслар этик билан тепиб, ойналари синдирилган деразалардан буралиб-буралиб қоп-қора тутун чиқарди. Ўт ичида қолганлар ёрдам сўраб қичқиришарди.

Қор қалин ёққан қиш пайтларида маҳбусларга пийма (валенка-тагчарми йўқ намат этик) бериларди. Шу валенкаларга илашган қор баракка кирганда жиққа ҳўл бўлиб кетарди. Маҳбуслар уларни қуритиш учун барак печи устига қатор териб қўярдилар. Ёнғин ана шу валенкалардан бошланган эди.

Назоратчи старшина Демянов ёнаётган баракка қараб, махорка тутатиб турарди.

— Эшикни очмайсанми? — дея унга бақирдим.

— Ҳаққим йўқ. Махсус буйруқ бўлмагунча очолмайман. — дея қатъий жавоб қилди у.

— Етмиш икки одам бўғилиб ўлади-ку! Наҳотки раҳминг келмаса? Бу ишинг учун ҳали жавоб берасан. — дедим ғазаб билан.

— Мен буйруқни бажараман. Бу фашистлар куйса куяверсин, ёнса ёнаверсин. Баракдан етмиш иккита калла билан бир юз қирқ тўртта оёқ топилса бўлгани. У ёғи билан, ўлик-тириги билан ишим йўқ.

Зона деворидаги соқчи бўлаётган воқеани кузатиб турган экан. Телефонда штабга хабар қилибди. Зудлик билан штаб навбатчиси етиб келди. Демяновга эшикларни оч, деб буйруқ берди.

Дадажон ҳам шу баракда яшарди. У бир ярим ойдан бери тўшакка ётиб қолган, ҳассага таяниб аранг ошхонага бориб-келарди. Кўпинча ҳамюртлари унга овқатини келтириб берардилар.

Дадажонга нима бўлдийкин, деб ташвишлана бошладим.

Барак эшиги ўт ўчириш қоидаларига риоя қилинмай ўрнатилган эди. Эшиклар ичкарига очиларди. Бу баракни маҳбусларнинг ўзлари қурган-дилар. Прораб қанча тайинламасин қулоқ солмагандилар. Ёнғин чиққанда ё ер қимирлаган пайтда ичкаридагилар ўзларини эшикка урадилар. Шунда эшик ёпилиб қолиб, очишнинг иложи бўлмайди. Маҳбуслар баракда ўзлари учун ўзлари қопқон ясаган эдилар. Бир солдат лом олиб келиб эшикни бузди. Ичкаридан тутунда ҳолсизланганлар бири-бирини итариб ташқарига чиқа бошладилар, тўлиб оқаётган анҳор қирғоғи ўпирилгандай бўлди. Одамлар тинмай йўталишар, ўқчишарди. Улар орасида Дадажон кўринмасди. Деярли ҳамма маҳбуслар ташқарига чиқди. Дадажон йўқ. Назоратчи маҳбусларни бир-бир санади. Уларнинг сони етмиш битта эди.

— Дадажон йўқ, ичкарида қолиб кетибди, — дедим. Батарея чироқ ушлаган тўрт солдат газ ниқоб кийиб баракка, тутунлар орасига кириб кетди. Сал фурсатдан кейин ҳушидан кетган Дадажонни кўтариб чиқишди. Қалин қор босган ерга ётқизишди. Шошиб бордим-у бушлат боғичини ечиб, кўкрагига қулоқ тутдим. Юраги урмасди. Лекин тани ҳали иссиқ эди. Билагини кўтариб, томирини ушлаб кўрдим. Ўттиз уч йил дукиллаб мутассил уриб турган юрак энди уришдан тўхтаган эди. Унинг очиқ қолган кўзларига қарадим. Тун қоронғусида кўзларида қандай ифода қотиб қолганини билолмадим. Қабоқларини кафтим билан пастга қараб силадим. Етдим, деганда йиқилган Дадажоннинг бу дунёга тўймаган, эркинлик йўлига интизор тикилган кўзлари энди бир умрга юмилди.

Гарнизондан капитан Расулов етиб келди. Қатор ётқизиб қўйилган, тинмай ўқчиётган ўттиз беш ҳолсиз маҳбуснинг бошига бориб, бир-бир қараб чиқди. Дадажоннинг тепасига келиб узоқ туриб қолди.

Бош врач Шкарин ҳолсиз ётганларнинг ҳаммасини санитар замбарида касалхонага жўната бошлади.

Лагер уйғониб кетган. Маҳбуслар панжарали деразалардан бу томонга жимгина қараб туришибди.

Дадажонни замбарга ётқизишди. Бир томонидан ўзим кўтаришиб ўликхонага обордик.

Соат саккизда барча баракларнинг эшиги очилди.

Олтинчи барак лоп этиб ёндию аланга ичида қолди. Ачимсиқ тутун ҳидига тўлган лагер устида, туманлар орқасидан тонг ёришиб келарди.

Бир юртнинг одами ҳар қандай шароитда ҳам бир-бирига қайишар экан. Бирон соатлар ўтиб, капитан Расулов қоғозга ўроқли бир нарса бериб кетди. Очиб қарасам саккиз метр оқ суруп. Дадажон учун кафанлик эди бу. Ҳали ҳам туман тарқагани йўқ. Анча баланд кўтарилиб қолган қуёш туман пардаси орқасидан худди қиздирилган чақадек бўзрайиб кўринади.

— Кафанликни мен олиб келганимни биров билмагани дуруст, — деди у ёқ бу ёққа аланглаб Расулов. — Марҳумнинг жасадини соат учларга тайёрланглар.

То соат учгача марҳум Дадажонни ювиб, кафанлаб жанозасини ўқидик. Бричка аравада дарвозадан олиб чиқишди. Вахтада тунда эшикларни очмай шунча одамга шикаст етказган. Дадажоннинг ўлимига сабаб бўлган назоратчи старшина Демянов турарди. Бричкани кўриқлаб бораётганларга танбеҳ берди.

— Кафанни очиб қаранглар. Баданига штик санчиб кўринглар, муғомбирлик қилаётган бўлмасин.

Расулов:

— Текшириб кўрилган, хотиржам бўл, — деб жавоб қилди.

Уни дафн қилишга мени олиб чиқишди. Ана шунда Расуловнинг миллатга қайишишига тан бердим. Гўр қазиш, мурдани кўмиш учун бухоролик учта солдатни юбораётган эди. Улардан бири Қуръонни жуда чиройли тиловат қилар экан.

Туман тарқаган. Офтоб қор босган оппоқ чўлда кўзни қамаштиради.

Қабристонга келганимизда ит кўмилган жойга қарадим. Жуда чиройли қилиб гумбаз кўтарилибди. Бефарзанд генерал ўлими олдидан «Мендан қолган пулларни сарф қилиб содиқ итимга ёдгорлик ўрнатинглар» деб васият қилган экан. Ёдгорлик яқинига бордим. Қора мармар тошга шундай сўзлар ўйиб ёзилган:

«Менинг содиқ ва вафодор дўстим, ўттиз етти қочоқ маҳбусни тутиб берган ва ўзи ёвуз маҳбус қўлида ҳалок бўлган Жек номли итга миннатдор дўсти генерал майор Максим Михайлович Речниковдан».

Атрофга қарайман. Бу қабристонга академик Туполевнинг истеъдодли шогирди, меҳнат қаҳрамони Дудинцов кўмилган. СССР халқ артисти Вера Квитко, Валерий Чкаловнинг самолётини ҳамиша учишга синчковлик билан тайёрлайдиган авиация майори Степанов, Бухорода ришта касалини тугатишда катта хизмат кўрсатган Рустам Азимзодалар шонсиз-шарафсиз кўмилган. Уларнинг қабри қани? Аллақачон теп-текис бўлиб кетган. Биргина шу Жек деб аталган итга қўйилган савлатли ёдгорлик қабристонни «обод» қилиб турибди.

Тақдир, тақдир, мунча қаҳринг қаттиқ! Мунча шафқатсизсан! Шу буюк зотларни битта ит қатори кўрмадинг-га!

Файзсиз, қишда бўронлар увиллаган ердан бош кўтарган гиёҳларни саратонда қовжиратиб ташлайдиган бу аянчли, бу хунук, бу совуқ қабристонга қараб ич-ичимдан фарёд урардим.

Уч бухоролик азамат йигит лом билан, белкурак билан тошга айланиб кетган заранг ерни кавлаб қабр очгунча терга пишиб кетдилар. Жасад лаҳадга қўйилди. Оғзи ясси това тош билан бекитилди. Бухоронинг Шофирконидан хизматга чақирилган Мир Араб мадрасасининг талабаси Истам Аҳадов деган ёшгина йигит тиловат бошлади. Шағал аралаш тупроқни қабрга ташлай бошладик. Истамбой Қуръон ўқишнинг ҳадисини олган экан. Оятларни тиниқ, юракка тўппа тўғри бориб қадаладиган ажиб бир оҳанг билан ўқирди. Бир умр тиловат эшитилмаган бу қақир чўлда муаллақ туриб вижирлаётган тўрғайлар ҳам тепамизда чир айланар эди. Улар ҳам қори боланинг овозидан маст бўлган эдилар.

Тиловат тугаб тўртовимиз юзимизга фотиҳа тортдик.

— Истамбой укам, раҳмат сенга. Илтимос, шу ерда ётган мусулмон бандаларнинг руҳига ҳам бир тиловат қилсанг.

Истамбой бошлади. Боя тиловат пайтида тепамизда чирқиллаб айланган тўрғайлар ҳар тарафга тарқаб кетишган эди. Истамбойнинг овозини эшитиб яна тепамизга қайтиб келдилар. Қанотларини пирпиратиб ҳавода жимгина муаллақ қотиб турардилар. Улар баландга ҳам чиқмас, пастга ҳам тушмас, аллақандай кўринмас ип билан тепамизга осиб қўйилгандек тек қотган эдилар.

Истамбой қироатни соғинган экан. Армия сафига чақирилгандан бери комсомолларнинг зуғумига учрамаслик учун овоз чиқармай, ичида тиловат қилиб юраркан. Назаримда унинг ўзи ҳам аллақандай руҳий озиқланаётгандек эди.

Гап-сўз бўлишдан чўчимай бу дафн маросимига йўл очиб берган ҳамюртим, капитан Расуловга дил-дилимдан раҳматлар айтдим.

– Укам, – дедим Истамбойга, – Қўлингни фотиҳага оч: Шу Расулов деган азамат инсон ҳақига бир дуо қил!

Бу дунёнинг ғамларидан, айриликларидан, адолатсизликларидан у дунёга фарёд уриб кетган аламдошим, ҳасратдошим Дадажонни кимсасиз чўл тупроғига топшириб қайтиб келяпмиз.

Қиш кунлари бир тутам. Соат беш бўлмаёқ қоронғи тушган. Зона деворларидаги прожекторлар ёқиб қўйилган. Гуриллаб ёнаётган гулхан олдида маҳбуслар тик турганларича гоҳ қўлларини, гоҳ оёқларини ўтга тутиб исинишарди.

Зонага биров кирмас, биров чиқмасди.

Ҳамманинг оғзида битта гап. «Старшина Демяновга чора кўрилсин, жиноий жавобгарликка тортилсин».

Ёнғин пайтида барак эшикларини очмаган старшина Демянов вахтада пўстинга ўралиб қоровуллар билан қайноқ чой ичиб ўтирибди. Унинг башарасига туфлагим келди. Афсуски бунинг сира иложи йўқ эди. У озод гражданин, мен эса ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум қилинган маҳбусман.

Бир пасткаш, инсонлик қиёфасини йўқотган, шафқатсиз, ҳиссиз тўнка олдида ожизу нотавон қолиш нақадар аламли, нақадар ўкинчли!

Маҳбуслар сўзларида туришди. Эртасига ҳам ишга чиқишмади. Маҳбусларга бош-қош бўлган Норқобилни кечаси солдатлар опчиқиб кетишган экан. Эрталаб зонага илжайиб кириб келди. Оператив вакил ундан маҳбусларни тинчитишни, эртага ишга чиқишларини тушунтиришни сўрапти. Агар шу топшириқни бажармаса қўзғолон кўтаришда айбланишини айтибди.

– Гапига кўндингми, дурак, – дея таъна қилди махорка тутунидан мўйловлари сарғайиб кетган, исми биронта ҳам унли ҳарфсиз ёзиладиган Мкртч деган армани чол.

– Мени ким деб ўйлаяпсан? Билиб қўй, я не сексот и не дурак.

Тушга яқин лагер бошлиғи зонага кирди. У баракларни айланиб чиққандан кейин орқасидан, бошлиқ нима қиларкин, деб эргашиб юрган маҳбусларга деди.

– Бўлди энди. Эртадан ишга чиқинглар.

Норқобил унга эътироз билдирди.

– Пока старшина жазоланмас экан, работат не будем.

Лагер бошлиғи полковник Самсонов бирон тайинли гап айтишга ожиз эди.

– Келинглар, очиқчасига гаплашайлик. Демянов масаласида ҳарбий прокурорга мурожаат қилдик. У старшина қонун доирасида иш тутган. Уставни бузмаган, жазолаб бўлмайди, деб жавоб қилди. Ундан кейин ҳарбий трибунал билан гаплашдик. Унинг фикри бошқача. Жазолаш керак. Одамлар ҳалок бўлишини кутиб ўтирмай, штабга ёнғин тўғрисида зудлик билан хабар қилиши керак эди, деб жавоб қилди. У албатта суд қилинади, деган фикрни айтди. Хотиржам бўлинглар, биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Шуни яхши билингларки, Давлат хавфсизлиги комитети билан Ички ишлар вазирлиги ҳеч қачон маҳбуслар фикрини тан олмайди. Ишга чиқишдан бошқа иложларинг йўқ.

– Барак эшиклари қачон очилади,– деб сўрашди ундан.

– Кутяпмиз. Юқоридан алоҳида рухсат келиши керак. Кутяпмиз.

Полковник чиқиб кетгандан кейин Норқобил бошчилигида гулхан атрофида маслаҳат «мажлиси» бўлди. Тўртинчи баракдан Дорфман деган юристни чақириб келишди. У эркинликда Ленинград адвокатурасида, ишлаган кўп чигал суд жараёнларида ютиб чиққан обрўли адвокатлардан эди.

– Агар хафа бўлмасанглар гапнинг очиғини айтаман. Ҳозирги уринишларингиз ҳеч қандай натижа бермайди. Маҳбуснинг вазифаси итоат қилиш. Бирон нимани даъво қилишга мутлақо ҳаққи йўқ. Чунки у гражданлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Даъволарингизнинг биронтаси инобатга олинмайди. Вазифангиз фақат ва фақат бўйсиниш.

– Нима, биз қул чтоли? – деди норози бўлиб Норқобил.

– Ундан ҳам баттар, – деди Дорфман. – Бу қилаётган ишимиз яхшилик билан тугаса-ку майлия, оқибати ёмон бўлиши, беш-олти кишининг жазо муддатини ошириб қўйишлари ҳам мумкин. Ана унда ёмон бўлади.

Дорфман тўғри айтаётган эди. Лагерда юз йилдан ортиқ муддатга кесилганлардан анчагина бор эди. Лагер ички интизомини бузган, ё бирон жиноят қилиб ўн-ўн беш йиллаб муддатини ўтаганларига қарамай яна йигирма беш йилдан жазо муддати олганлар бор эди. Жук деган маҳбус йигирма еттинчи йилдан буён муддат устига муддат ўтаб келади. Ҳозир унинг жазо муддати бир юз ўн тўрт йилга етган.

Дорфман тажрибали одам. Қонун-қоидаларни билади. Унинг гаплари тўғри эди. Маслаҳат билан эртадан ишга чиқишга қарор қилинди. Эрталаб вахтада ўн етти кишини тўхтатиб қолдилар. Ўн етти кишининг ҳаммаси тройка қарори билан ҳар хил муддатга кесилганлар эди. Бошлиқ ўринбосари ҳаммамизни тўплаб «Тройка» қарори билан кесилганларга енгиллик берилганини, улар махсус рухсатнома билан ташқарида соқчисиз ишга бориб келишлари мумкинлигини айтди. Ана шу жазо муддати енгиллатилганлар орасида мен ҳам бор эдим. Расулов мени гарнизон клубини безатиш учун ўзи билан олиб кетди.

– Қиш оғир келяпти. Шахтага борсангиз совуқда қийналиб қоласиз. Энди иссиққина клубда солдатлар шавласидан еб, сурват чизаверасиз. Узоқ ишланадиган сурват танланг. Баҳорга етиб олгунча ишланадиган сурват бўлсин. У олдимга бир даста «Огонёк» журналини ташлади. Журналдаги рангли сувратларни кўриб «Сталинград панорамаси»ни танладим. Унда юздан ортиқ одам суврати бор эди.

– Бу иш энди сизга муддатингизни ўтаб бўлгунингизча етади, – деди Расулов.

Ишга жуда берилиб кетган эдим. Орқамда кимдир турганини сезиб ўгирилиб қарадим. У болалик ўртоғим, биринчи синфдан то тўққизинчи синфгача бирга ўқиган, жуда ҳам қадрдон дўстим, маҳалладошим Ҳамид Азизов эди. У ўнинчини тугатгандан кейин Тошкент медицина институтига ўқишга кирган, институтни битирмай фронтга юборилган қайтиб келгандан кейин яна ўқишини давом эттирган эди.

Уни кўрмаганимга кўп йиллар бўлган. Орадан шунча вақт ўтиб энди, жуда ноқулай вазиятда кўришиб турибмиз. У медицина хизмати майори, кўкси орден, медаллар планкаси билан тўла эди.

Бир-биримизга сўзсиз қараб турибмиз. Кўз олдимда унинг ранги оқара бошлади. Охири юзидан қон қочиб бўзга айланди. Нима бўлди, тоби қочдими... Йўқ у ҳозир тирик «Халқ душмани»ни кўриб қўрқиб кетган эди. Тўғриси ундан ҳазар қилаётган эди.

– Ия, ия, – деди у лаблари титраб. Бироз туриб яна, ия,ия деди. – Мен ҳозир... ҳозир...

У шундай орқасига ўгирилдию ёв қувлагандек шитоб билан ташқарига чиқиб кетди. Шу кетганича қайтиб келмади.

Қиш оёқлаб, баҳор қадами эшитила бошлаган, тепалик жойларда қор эриб, занглаган ерда мис кукунлари худди яшил бахмал ёпингандек кўрина бошлаганди. «Сталинград» панорамаси яримлаб қолди.

Расулов мункайган рус кампирини эргаштириб келди.

– Бу опа марҳум сержант Гаврюшевнинг хотини. Эслайсизми уни?

Гаврюшев лагер қошидаги ўт ўчириш командасининг бошлиғи, ёнғинга қарши огоҳлантирувчи плакатларга буюртма берарди. «Чекилмасин! Рухсат этилмаган жойда чекиш мана бундоқ оқибатларга олиб келади» деган сувратлар ишлаб берардим. Уни дурадгорлик комбинати, шахталар, бензин складлари деворларига михлаб қўярди. Бу плакатлар учун у дурустгина ҳақ олар, бир қисмини менга ташлаб кетарди. Гаврюшев ўтган йили қазо қилган эди.

– Битта илтимос билан кепти. Йўқ, деманг.

Кампир рўмолчага ўралган ниманидир менга узатди, очиб қарадим. Фотосуврат. Ниҳоятда моҳир профессионал фоточи олган лейтенант йигитнинг суврати эди.

– Гаврюшевнинг ўғли. Прага остонасида ҳалок бўлган. Шуни мойли бўёқ билан ишлаб берсангиз. Тўрт кундан кейин ўғлининг туғилган куни экан. Поминка қилмоқчи.

– Бўпти, Гаврюшевнинг ҳурмати, албатта ишлаб бераман, – дедим.

Кампир қоғоз халтадаги йигирматача тухумни стол устига қўйди.

– Кераги йўқ, олиб кетинг, – дедим қатъий.

– Олаверинг, кампирнинг олтмишта товуғи, саккизта хўрози бор. Бозорда тухум сотади.

Портретни айтган муддатда битқаздим. Кампир келди. Қўлтиғида ниҳоятда чиройли бир бабақ хўроз бор эди.

— Э, қўйинг, олмайман. Мен эрингиздан кўп яхшиликлар кўрганман. Ҳақ олсам уят бўлади-я.

– Э, болам. – деди у кулиб. – Хўрозим кўпайиб кетяпти. Уларни нима қиламан. Тухум қилмаса бу олифталар кимга керак. Барибир бозорга опчиқиб сотвораман. Яхшиси, сен шўрвага бос бу ғўдайган ухажёрни...

Қўлтиғимда хўроз билан зонага келдим. Кутубхона олдидаги кичкинагина гулзор биқинида хўроз учун катак ясадим. У жуда фаол хўрозлардан экан. Товуқларини соғинди шекилли эрталабгача етти-саккиз марта қичқирди. Узоқ-яқиндан бошқа хўрозлар унга жавоб қайтаришди. Ташқарига чиқсам маҳбуслар ҳам ҳовлига чиқиб, хўроз қичқиришини эшитиб ўтиришган экан. Шу биргина хўроз уларга қадрдон қишлоқларини, ойдин кечаларни эслатиб, уйқуларини қочирган экан.

Маҳбуслар хўрозни жуда эркалатиб юборишди. Уни катакдан чиқариб юборишим билан бараклар олдида маҳбуслар ташлаган ушоқларни териб ер, кечалари эса уларнинг уйқусини қочириб саҳаргача қичқирарди.

Душанба куни кечқурун лагер ола-тўполон бўлиб кетди. Соат тўққиз бўлди, ҳалигача саккизинчи шахтага ишга чиққан маҳбуслар қайтиб келмаяпти.

Бошлиқлар, гарнизон командирлари зонада асабий бир ҳолатда бирбирларига гап маъқуллардилар.

Қандайдир бир жиддий, кўнгилсиз воқеа юз берганга ўхшайди. Зонага қайтиб келганларнинг ҳаммасини сафга тизишди. Ошпазларни ҳам, касалхона врачларию санитарларини, нноввойхонадагиларни ҳам ҳайдаб чиқиб сафга тиздилар. Шошилмай бирма-бир санадилар. Яна санадилар. Етти марта санадилар. Бир маҳбус кам чиқаверди. Маҳбусларнинг ҳаммасини битта қолдирмай баракларга тиқишди. Эшик олдига қўйилган соқчилар, назоратчилар уларнинг исми фамилиясини, рақамини ёзиб битталаб чиқара бошладилар. Уч соат давом этган бу тадбирдан кейин рўйхатни штабга опчиқиб кетдилар. Штабдаги рўйхатга солиштириб икки соатдан кўпроқ уриниб, ғойиб бўлган маҳбус Норқобил Аъламов деган шахс экани аниқ бўлди.

Саккизинчи шахтадан бригадани кечаси соат иккиларда олиб келишди.

Лагер бошлиғи ҳам ўша тун ухламади. Папирос устига папирос чекади. Тонгга яқин хўрозимиз чўзиб-чўзиб қичқирди. Унинг товушидан ғазабга келган бошлиқ ер тепиб бақирди.

– Хўроз боқишга ким рухсат берди? Йўқотинглар, ҳозироқ йўқотинглар бу хўрозни.

Демянов қувиб юриб хўрозни тутиб келди. Бошлиқнинг оёғи остида хўрознинг танасини кирза этиги билан босиб бўғзига пичоқ тортиб юборди-ю, кийимига қон сачратмаслик учун ҳали жони узилмаган жонворни қўйиб юборди. Хўроз типирлаб ердан ярим метр баландликка икки-уч марта сапчиб жон берди.

Маҳбусларга уйларини, қишлоқларини, бола-чақаларини эслатиб ҳар оқшом, ҳар саҳар қичқирадиган хўроз уларнинг кўзлари олдида қонга беланиб жон берди.

– Барибир қўлга тушади бу Натсмен, – деди Демянов қўлига сачраган қонни иркит даструмоли билан артаркан. – Бу чўллардан биронта маҳбус қочиб қутулмаган.

Лекин Норқобил тутиб бўлмайдиган, қўлга тушмайдиган бўлиб қочган эди.

Кончилар посёлкасида маҳбуслик муддатини ўтаб бўлган, беш йил сургун жазосини ўтаётган собиқ маҳбуслар ҳам яшардилар. Уларга бошқа томонларга бориб ишлашга рухсат йўқ эди. Улар ҳам конда ишлашга мажбур эдилар. Улар орасида Норқобилнинг блатной дўстлари кўп эди. Улар конга махсус гувоҳнома билан кириб ишлардилар.

Ўтган сешанба куни саккизинчи шахтада ишлайдиган собиқ блатной Норқобилнинг рақамланган кийимларини кийиб, маҳбуслар билан зонага келади. У беш кун маҳбуслар билан ишга бориб келаверади. У душанба куни ишга келганда яшириб қўйган ўз кийимларини кийиб рухсатномаси билан шахтадан чиқиб кетади.

Норқобил эса дўстлари тайёрлаб қўйган граждан кийими билан, улар тўплаб берган анчагина пул билан, суврати ёпиштирилган, ҳақиқийлигига ҳеч ким шубҳа қилмайдиган қалбаки паспорт билан беш кун ичида Термизга етиб келади. Пуфлаб ширилган бузоқ терисини миниб Афғон шамоли қутургандан қутуриб кўз очирмаётган тунда жиянлари кўмагида Амударёда сузиб чегарадан ўтиб кетади.

Шу топда, уни тутамиз, қўлга туширамиз, жазосини берамиз деб гапираётганларида у Афғонистоннинг Ҳайратон қишлоғида, чўпон ўтовида кўк чой ичиб, ўрисча сўкиниб ўтирар эди.

**ХОТИМА**

*Қамоқдан бўшаган кунимдан бир ҳафта аввал Демяновнинг унвони оширилди. Зонага погонида битта юлдуз билан кириб келди.*

*Қадрдон Тошкентимга эсон-омон етиб келдим. Вайрон бўлган рўзғоримни тикладим. Фарзанд кўрдим. Қатор-қатор китобларим чиқди. «Халқ ёзувчиси» унвонига сазовор бўлдим.*

*Ўзим қурган уйимнинг ҳовлисида ўтирган эдим. Эшик қўнғироғи жиринглади. Чиқиб эшикни очдим. Остонада болалик «ўртоғим» Ҳамид Азизов турарди. У бағрига босиб кўришмоқчи бўлди. Орқага чекиндим. У жуда ноқулай аҳволда қолди. Тутила-тутила, тўй қилаётганини, тўйга таклифнома олиб келганини айтди. Хўп, хайр, дедиму эшикни бекитиб, ичкарига кириб кетдим. У ҳайрону лол серрайганча қолди. У берган таклиф қоғозини ўқимай, ғижимлаб йўлакдаги ахлат челагига ташладим.*

**2000 йил, май.**

